

## КОНЦЕПТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШИ

Камалова Лаура Тимуровна

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университетининг Хорижий тиллар филологияси факультети 3 курс 727-20 евро гуруҳи талабаси

Ҳозирги лингвистикада «концепт» жудаям кўп қиррали тушунчалардан биридир. Концепт лотин тилидаги “konceptus” «тушунча» сўзининг сўзма-сўз таржимаси бўлиб, рус тилшунослигида ушбу тушунча XX асрнинг биринчи чорагида файласуф С.Аскольдов томонидан илмий муносабатга тадбиқ этилган. Ушбу термин ўтган асрнинг 80 йилларигача тушунча сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, бугунги кунга келиб, унинг маъноси тушунча сўзига нисбатан анча кенгайганини кўриш мумкин. Концепт лингвокультурологияда энг фаол қўлланиладиган бирлик ҳисобланади. Концепт лингвомаданий бирлик сифатида у ёки бу халқнинг маданиятининг ўзига хос томонларини англатади.

Профессор Н.Маҳмудовнинг лингвокультурологияда концептнинг тадқиқ қилиниши ҳақида фикрини айтиб ўтиш жоиздир. «Лингвокультурологик тадқиқотларда айниқса, концептнинг англатилиш муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганимизда, масалан,

Рус тилшунослигида ушбу йуналиш жудаям кенг тарқалганлигини кўриш мумкин.<sup>1</sup>

Шу ўринда мақоламизнинг асосий мазмуни сифатида нон концептига алоҳида тўхталиб ўтаемиз.

Ўзбек тилида ва бошқа туркий халқларда нон улуғ неъмат, энг ширин, энг муқаддас таом ва унга боғлиқ тушунчалар миллатга хос урф-одатларимизда ўз аксини топган.

Нон концепти асосида ўзбек халқ маданиятига хос меҳмондўстлик, меҳнаткашлик, инсонийлик фазилатлари, шунингдек ноннинг қадри билан боғлиқ бўлган ўрф-одатлар жамланган, бу эса ўз навбатида қатор лингвомаданий хусусиятларга эга. Нон концептига боғлиқ мақоллар халқ тилида тарбиявий характерга эга. Масалан, *нон ҳам нон ўшаги ҳам нон, кулчали бола суйумли келар ушбу мисолда бой бола яъни қўлида совғаси бор* маъносини ифодалаб келган. Шунингдек қасам ичиш маъносида ҳам нон концепти ишлатилади. Масалан, *нон ўрсин, хасисдан дон тилагунча, гадойдан нон тила, нонсиз яшаб бўлмас-гапни ушаб булмас ва ҳоказо.*

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нон концептига боғлиқ ўзбек тилида жуда кўплаб мақоллар ва иборалар бор. Урф-одатларимиз негизи бўлган нон сўзининг тарбиявий жиҳатларини илмий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар руйхати

1. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йулларини излаб// Ўзбек тили ва адабиёти.- Тошкент., 2012 й.

<sup>1</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йулларини излаб// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент 2012, №5, 9-бет